O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI
JIZZAX VILOYATI
DO’STLIK TUMAN
HOKIMINING
QARORI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ
ДЎСТЛИК ТУМАН
ҲОКИМИНИНГ
ҚАРОРИ

“11” 02 2020 йил 81-сонли Дўстлик шаҳри

Туман ҳудудидаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли автомототранспорт воситалари ва уларга тиркамаларни 2020 йилда мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й… 15-сон. 197-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31-январдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситаларининг мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низомига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й… 1-2-сон, 17-модда) мувофиқ транспорт воситаларининг 2020 йилги техник кўригини ташкил қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й… 9-сон. 320-модда) 6-моддасига асосан хамда туман Адлия бўлимининг 2020 йил 4 январдаги 1-25/11-1-7/10-сонли хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Туман ҳудудидаги барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган автомототранспорт воситалари ва уларга тиркамалар мажбурий техник кўрикдан ўтказилсин.

2. Мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссияси таркиби 1-иловага, техник кўрикдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Тумандаги барча транспорт воситалари эгалари бўлган юридик ва жисмоний шахсларга транспорт воситаларини техник паспорти билан биргаликда, ўз вақтида режа жадвали асосида кўрикдан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Транспорт воситалари қуйидаги даврийликка мувофиқ техник кўрикдан ўтказилсин:

а) тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар-бир йилда икки марта;

б) ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари (мазкур бандниг «а» кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари)-бир йилда бир марта;

в) тиркамалар кўрикка транспорт воситаси-шатакчи учун белгиланган муддатларда тақдим этилади.

5. Қарорнинг 4-банди «а» кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларининг техник кўриги:

биринчи марта- 1 март-30-июнда;
иккинчи марта- 1 сентябрь-31-октябрда ўтказилади.

Юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1-март 30-июнда;

Жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 20-февралдан 31-августга қадар ўтказилсин.

6. Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш комиссияси раиси (З.Анарбоев)га:

-транспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан самарали назоратни ташкил этиш;

-транспорт воситаларининг техник ҳолати ва ускуналари йўл ҳаракати хавфсизлиги стандартлари, қоидалари, нормаларига мувофиқлигини баҳолаш вазифаси юклатилсин.

7. Транспорт воситалари техник кўрикдан ўтказилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 31-январдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган «Транспорт ворситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низомга мувофиқ йиғим ундирилсин.

8. Туман ички ишлар бўлими (И.Нурматов) мажбурий техник кўрик якуни тўғрисида туман ҳокимлигига ахборот тақдим этсин.

9. "Дўстлик ҳаёти" газетаси муҳбири (Б.Қораев)га туман ҳудудида мавжуд транспорт воситаларининг йиллик мажбурий техник кўрикдан ўтказиш оммавий ахборот воситалари ва «Дўстлик ҳаёти» газетасида кенг ёритиб борилсин.

10. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2019 йил 19 мартдаги 649-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Б.Бойқулов зиммасига, ижросини ташкил этиш туман Ички ишлар бўлими бошлиғи И.Нурматов зиммасига юклатилсин.

12. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Туман ҳокими в.б **Б.Данияров**

Туман ҳокимининг 2020 йил
«16» 02 даги 81 сонли
қарорига
2-и л о в а

Туман худудида 2020 йилда жисмоний ва юридик автотранспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш бўйича туманда мавжуд транспорт воситаларининг

Ж А Д В А Л И

т/р	Хўжалик ва ташкилотлар номи	т/в сони	Техник кўрик ўтказиш куни	Техник кўрик ўтказиш жойи
1	Учтом ирригация тизими	4	09.03.2020 й	«Тохирбек-Сервис» МЧЖ автогаражида
2	Тиббиёт коллеж	1	12.03.2020 й	«Али-Оил» КТХФ автогаражида
3	Нефт база УК	25	15.03. 2020 й	«Тохирбек-Сервис» МЧЖ автогаражида
4	Нефт база Иржар филиали	10	16.03. 2020 й	«Тохирбек-Сервис» МЧЖ автогаражида
5	Туман ҳокимлиги	9	18.03. 2020 й	«Али-Оил» КТХФ автогаражида
6	Сувоқова корхонаси	1	20.03. 2020 й	«Али-Оил» КТХФ автогаражида
7	Туман Ободонлаштириш	3	24.03. 2020 й	«Али-Оил» КТХФ автогаражида
8	Туман ДСЭО	1	26.03.2020 й	«Али-Оил» КТХФ автогаражида
9	Савдогар банк	1	28.03.2020 й	«Али-Оил» КТХФ автогаражида
10	Дўстлик ўқув спорт техника	4	28.03.2020 й	«Али-Оил» КТХФ автогаражида
11	Дўстлик туман авто устоз	1	28.03.2020 й	«Али-Оил» КТХФ автогаражида
12	Бандликка кўмаклаш маркази	1	29.03.2020 й	«Али-Оил» КТХФ автогаражида
13	Дўстлик Фермерлар кенгаши	1	29.03.2020 й	«Али-Оил» КТХФ автогаражида
14	Туман Сув хўжалиги бўлими	1	29.03.2020 й	«Али-Оил» КТХФ автогаражида
15	Туман ЙФУК	5	02.04.2020 й	«Али-Оил» КТХФ автогаражида
16	Молия бўлими	1	05.04.2020 й	«Али-Оил» КТХФ автогаражида
17	Халқ таълими бўлими	1	07.04.2020 й	«Али-Оил» КТХФ автогаражида
18	Мактабгача таълим бўлими	1	07.04.2020 й	«Али-Оил» КТХФ автогаражида
19	Касб-ҳунар коллежи	2	10.04.2020 й	«Али-Оил» КТХФ автогаражида
20	Агро банк	1	11.04.2020 й	«Али-Оил» КТХФ автогаражида
21	Халқ банк	1	13.04.2020 й	«Али-Оил» КТХФ автогаражида
22	Пахта тозалаш корхонаси	1	14.04.2020 й	«Али-Оил» КТХФ автогаражида
23	Ветеранирия бўлими	1	14.04.2020 й	«Али-Оил» КТХФ автогаражида
24	Солиқ инспекцияси	2	27.04.2020 й	«Али-Оил» КТХФ автогаражида
25	Электр тармоқлари	2	28.04.2020 й	«Али-Оил» КТХФ автогаражида
26	Дўстликтумангаз филиали	1	01.05.2020 й	«Али-Оил» КТХФ автогаражида

27	Туман МИБ	1	03.05.2020 й	«Али-Оил» КТХФ автогаражида
28	Нурли Дон МЧЖ	3	12.05.2020 й	«Тохирбек-Сервис» МЧЖ автогаражида
29	Дўстлик туманида мавжуд ФХ тегишли енгил ва юк автомобиллар	75	14.05.2020 й	«Али-Оил» КТХФ автогаражида
30	Дўстлик туманида мавжуд ХК ва МЧЖларга тегишли енгил ва юк автомобиллари	56	17.05.2020 й	«Али-Оил» КТХФ автогаражида
31	Хорижий корхона	4	20.05.2020 й	«Тохирбек-Сервис» МЧЖ ва «АЛИ-ОИЛ» КТХФ автогаражида
	Жами юридик шахсларга тегишли транспорт воситалари сони	**221**	соат 10-00 дан 12-00 гача	«Тохирбек-Сервис» МЧЖ автогаражида
	Жами жисмоний шахсларга тегишли транспорт воситалари сони	**2458**	Ҳафтанинг чоршанба-жума кунлари соат 10-00 дан 12-00 гача	«Тохирбек-Сервис» МЧЖ автогаражида
	Туманда мавжуд юридик ва жисмоний шахсларга тегишли транспорт воситалари сони	**2679**		

Эслатма: Туман ҳудудида жисмоний шахсларга тегишли 2458 та, ташкилотлар 86 та, кичик корхоналар, хусусий фирма ва МЧЖлар, оилавий корхоналар 60 та ва деҳқон фермер хўжаликлари 75 та, жами 2679 тани ташкил қилиб, ушбу транспорт воситаларининг раҳбарлари белгиланган жадвал асосида транспорт воситаларни туман ИИБ ЙҲХБга рўйхат бўйича тақдим этишлари учун шахсан масъулдирлар.

Туман ҳокимининг 2020 йил
«4» _____даги 87 сонли
қарорига
1-и л о в а

Туман худудида техник кўрик ўтказиш бўйича Комиссия

Т А Р К И Б И

Комиссия раиси:

1.	З.Анарбоев	-Туман ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси бошлиғи

Комиссия раисининг ўринбосари:

2.	Ф.Алимов	-Туман ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси катта инспектори

Комиссия аъзолари:

3.	О.Пулатов	-«Жаҳонгир Камолтранс авто» ХФ раҳбари
4.	К.Завқиев	-«Тоҳирбек Сервис» МЧЖ ишлаб чиқариш техникаси бўлими муҳандиси
5	С.Налиев	-«АЛИ-ОИЛ» КТХФ раҳбари